

AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Special Issue | pp. 124-130 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

КОРХОНАЛАР БОШҚАРУВИДА МАРКЕТИНГ ДАСТУРЛАРИДАН ФОЙДАНИШНИНГ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ КОНТИНЕНТАР ХУСУСИЯТЛАРИ



Мараемова Умида,
АДУ доценти, и.ф.н.

Аннотация. Мақолада Европа Иттифоқи мамлакатлари корхоналари бошқарувида маркетинг дастурларидан фойдаланиш усуллари таҳлил этилган, унинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган, ҳозирги ривожланиш ҳолати баҳоланган.

Калит сўзлар: бошқаруви, менежмент, корхона бошқаруви, маркетинг, бозор, бозор сегменти, истеъмолчи, инновация, инновацион менежмент, инновацион маркетинг

КОНТИНЕНТАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МАРКЕТИНГОВЫХ ПРОГРАММ В УПРАВЛЕНИИ ПРЕДПРИЯТИЯМИ СТРАН ЕВРОСОЮЗА

Аннотация. В статье анализируются методы использования маркетинговых программ в управлении предприятиями стран Евросоюза, выявляются их специфические особенности, оценивается современное состояние развития.

Ключевые слова: управление, менеджмент, управление предприятием, маркетинг, рынок, сегмент рынка, потребитель, инновации, инновационный менеджмент, инновационный маркетинг.

CONTINENTAL CHARACTERISTICS OF THE USE OF MARKETING PROGRAMS IN THE MANAGEMENT OF ENTERPRISES OF THE EUROPEAN UNION COUNTRIES

Annotation. The article analyzes the methods of using marketing programs in the management of enterprises of the European Union countries, identifies its specific features, and evaluates the current state of development.

Key words: controls, management, enterprise management, marketing, market, market segment, consumer, innovation, innovative management, innovative marketing

Кириш

Бозор иқтисодиётининг тобора ривожланиб бориши корхоналар фаолиятини тубдан такомиллаштириш заруриятини кучайтиради. Бунда корхоналарда ишлаб

чиқариш жараёнларини ташкил этиш, бошқарув қарорларини қабул қилиш, бозор конъюнктурасини ўрганиш, бозордаги рақобатчилар ва истеъмолчиларнинг хатти-харакатларини доимий равишда кузатиб бориш, ички ва ташқи муҳит ўзгаришларига корхонани фаолиятининг таъсирчалигини камайтириш орқали унинг рақобатбардошлигини ошириш каби қатор долзарб вазифаларни ҳал этиш лозим бўлади. Ушбу вазифаларни ўз вақтида самарали ҳал этилиши корхона фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш имконини беради. Бу эса корхона фаолиятини узоқ йилларга мўлжалланган ривожлантириш бўйича стратегик дастурларининг самарадорлигини ҳам оширишга хизмат қиласди.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги

Сўнгти йилларда мамлакатимиз миллий иқтисодиёти тармоқлари, айниқса, қурилиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Янги Ўзбекистон шароитида қурилиш соҳаси жадал суръатларда ривожланиш тенденциясига эга бўлиб келаётган тармоқлар қаторидан ўрин эгаллайди. Жумладан, Президентимиз Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганлариdek, “Бугунги кунда мамлакатимиз қурилиш соҳасида ҳам янги давр бошланди, десак, тўғри бўлади. Аввало, соҳанинг хуқуқий ва моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, республикамизнинг барча ҳудудларида илғор технология ва ёндашувлар асосида фаолият юритадиган янги-янги қурилиш ташкилотлари пайдо бўлаётгани, қурилиш материаллари индустрияси юқори суръатлар билан ривожланаётгани, малакали етук кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилгани шундай деб айтишга асос беради”.¹ Ушбу ҳолат қурилиш корхоналари бошқарувида маркетинг дастурларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш заруриятини уйғотади. Бунда тараққий этган мамлакатлар амалиётини чукур таҳлил қилиш орқали ундан мамлакат амалиётидаги ижодий фойдаланиш имкониятларини аниқлаш долзарб аҳамият касб этади.

Тадқиқот усуллари.

Тадқиқот жараёнида гурухлаш, тизимли ёндашув, назарий ва амалий ўрганиш, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Корхоналар бошқарувида маркетинг дастурларидан фойдаланиш амалиётини ташкил этиш, унинг амал қилиш механизми, тамойиллари ва усуллари М. Портер², Дж.Р. Гелбрейт³, Г. Минцберг⁴, Т.А. Гайденко⁵, Ф. Котлер⁶ каби хорижлик иқтисодчи олимлар илмий асаларида ёритилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Ўзбекистон қурувчиларига байрам табриги. 13.08.2023 й. <https://president.uz/uz/lists/view/6552>

² Porter M.E. What is Strategy? // Harvard business rev. Boston. 1996. Vol. 74, № 6. P. 61-78

³ Galbreith R. Jay, Lawler, Edward E and associates. Organizing for the Future. San-Francisco, 1993, 310 p.

⁴ Porter M.E. What is Strategy? // Harvard business rev. Boston. 1996. Vol. 74, № 6. P. 61-78

⁵ Минцберг Г. Структура в кулаке. Создание эффективной организации. / Пер. с англ. под ред. Ю.Н. Каптуревского. – СПб.: Питер, 2004. – 512 с.

Таҳлил ва натижалар

Жаҳон хўжалигида корхоналар фаолиятини бошқаришда маркетинг дастурларини амал қилиши бўйича Европа Иттифоқи мамлакатлари амалиёти муҳим ўрин эгаллайди. Минтақада ягона бўлган минтақавий бозорнинг шаклланганлиги сабабли ушбу мамлакатлар гуруҳида корхона бошқарувида ўзига хос маркетинг амалиёти шаклланган. Европа минтақаси бозори кўп тилли минтақавий бозор бўлганлиги сабабли аксарият бизнес вакиллари товар ва хизматларни реклама қилишда “Биллингвал” ёндашувдан фойдаланадилар. Бунда ташқи баннерлар, мониторлар ва телеканаллар орқали намойиш этиладиган рекламалар миллий тилда бўлса, интернет тармоғи орқали узатиладиган рекламалар эса ҳам миллий ҳам инглиз тилида бўлади. Шу билан биргалиқда, товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи кичик турдаги корхоналар фақатгина мамлакатнинг ички имтеъмол бозорини истеъмол маҳсулотлари билан таъминлашга ихтисослашган ҳисобланади.

Дастлаб Европа Иттифоқи мамлакатларининг йирик корхоналари томонидан реклама роликлари АҚШ мамлакати амалиётига асосланган ҳолда инглиз тилида олинниб, турли оммавий аҳборот воситалари (ОАВ), жумладан, радио, телеканаллар, интернет тармоқлари орқали узатилган. Бу эса инглиз тилини билиш даражаси кам бўлган Европа Иттифоқи мамлакатларида ушбу йирик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг бозордаги айланмаси (сотиш) ҳажмига ҳеч қандай ижобий таъсир қўрсатмаган. Шу сабабли, корхоналар томонидан олинган реклама роликлари француз, испан ва италян тилларига таржима қилинган. Натижада корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни сотиш ҳажми ортган.⁷ Мазкур вазиятни инобатга олган ҳолда бугунти кунда минтақада жойлашган корхоналар маркетинг дастурида реклама роликларини тайёрлашда “Биллингвал” ёндашувига устуворлик қаратилади.

Жумладан, Европа минтақасида корхоналар ўз товар ва хизматлари билан бозорларга кириб бориши, ёки унинг сотув ҳажмини оширишида маҳсулотнинг истеъмолчига келтириши мумкин бўлган нафлийк даражаси тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ тақдим этиши лозим бўлади. Европа мамлакатларида истеъмолчилар улар ҳарид қилаётган товар ва хизматларнинг нархи маҳсулотни истеъмол қилишдан олинадиган нафлийк дараажасига мос келиши зарур, деб ҳисоблашади. Бу эса корхоналар бошқарувида маркетинг дастурларини ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг истеъмол нафлийгини ошириш бўйича тадқиқотлар ўтказишни талаб этади.⁸

Европа аҳолини интернет тармоғидан, жумладан ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш бўйича жаҳонда етакчи мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллайди. Аксарият йирик компаниялари ўз товар ва хизматларидан реклама қилишда

⁵ Гайдәенко Т.А. Маркетинговое управление. Учебник. – М.: Эксмо, 2008. – с. 50-54

⁶ Котлер Ф., Келлер К.Л. Маркетинг. Менеджмент. 14-е издание. – СПБ.: 2015. – 147 с.

⁷ Тонкости европейского маркетинга: как продвигать продукт за рубежом. [Электронный ресурс]. URL: <https://rb.ru/opinion/chto-predstavlyaet-iz-sebya-evropejskij-marketing/>

⁸ Тонкости европейского маркетинга: как продвигать продукт за рубежом. [Электронный ресурс]. URL: <https://rb.ru/opinion/chto-predstavlyaet-iz-sebya-evropejskij-marketing/>

минтақа ахолиси кенг фойдаланадиган “Facebook” платформаси орқали маҳсус каналларни ташкил этган бўлиб, ушбу каналлар орқали бир томонидан онлайн реклама, иккинчи томондан эса истеъмолчилар билан ўзаро алоқаларни ўрнатишга эришилади.⁹ Бунда ишлаб чиқарувчи корхонанинг ўз мижози (ҳаридори, истеъмолчиси) билан бевосита алоқаси ўрнатилганлиги сабабли, истеъмолчиларнинг ҳоҳиш-истаклари, маҳсулот бўйича талаблари, товар ва хизматлардан фойдаланишдан қониқиши бўйича ишончли бўлган маълумотларни тезкорлик билан жамлашга эришилади.

Умуман олганда, бутунги кунда тарақкий этган мамлакатларда интернет-маркетинг дастурларидан кенг фойдаланадилар. Бунда товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўзларининг ижтимоий тармоқлардаги каналлари орқали маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнлари, уларнинг номенклатуроси, истеъмол хусусиятлари, рақобатчи товарларга нисбатан афзаликлари, сотиб олиш, етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш каби қатор маълумотларни ўз истеъмолчиларига мунтазам етказиб борадилар. Жумладан, “Apple TV”, “Hulu”, “Netflix”, “Amazon TV” каби йирик онлайн-платформаларда орқали корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг реклама роликларини жойлаширадилар. Бу турдаги йирик онлайн-платформалар радио ва телевидиния орқали товар ва хизматлар реклами ўрнини эгаллаб бормоқда.

Таҳлилларга кўра, корхоналар бошқарувида интернет-маркетинг дастурлари радио, телевидиния, газета ва рўзномалар орқали товар ва хизматлар рекламига нисбатан самарали ҳисобланниб, бозордаги товар айланмаси (сотув ҳажми) ни кескин ошириш имконини беради.¹⁰

Шу билан биргаликда, тарақкий этган мамлакатларда корхоналар бошқарувида маркетинг дастурлари истеъмолчилар билан ўрнатиладиган алоқаларни кучайтириш орқали уларнинг талаб ва истак-ҳоҳишларига мос келадиган товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга қаратилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Бундай алоқаларни ўрнатишда аксарият ҳолатларда “RACE (Reach, Act, Convert, Engage)” моделидан фойдаланадиланилади. Бу турдаги маркетинг дастурлари корхонанинг ўз мижозлари билан қуйидаги тўрт босқичдаги ўзаро муносабатта киришиш жараёнларини қамраб олади:¹¹

- қамров даражаси (Reach) – маркетологлар корхонанинг бозордаги қамров даражасини оширишда бозор тадқиқотлари ўтказилиб, истеъмолчиларнинг маҳсулот бўйича талаби, уларнинг истак-ҳоҳишлари ўрганилиб, тегишли сегментлар танлаб олиниб, уларнинг умумий қизиқишиларига асосланган ҳолда товар ва хизматлар реклами ишлаб чиқилади;

- ҳаракат (Act) – “RACE” маркетинг дастурининг иккинчи босқичида корхона томонидан истеъмолчиларнинг умумий қизиқишилари асосида ишлаб чиқилган реклама дастурлари ОАВ орқали узатилгандан сўнг, истеъмолчиларнинг реклама

⁹ Ўша манба


¹⁰ Тонкости европейского маркетинга: как продвигать продукт за рубежом. [Электронный ресурс]. URL: <https://rb.ru/opinion/chto-predstavlyayet-iz-sebya-evropejskij-marketing/>

¹¹ Маркетинговые и PR-модели: RACE, 4P и 4C, PESO, лестница Ханта, RFM, AIDA, SOSTAC, hadi-цикли. [Электронный ресурс]. URL: <https://roistat.com/rublog/marketingovie-modeli/>

қилинаётган товар ва хизматларга бўлган қизиқиши уйғониши билан бошланади. Бунда улар маҳсулот тўғрисида янада кўпроқ олиш мақсадида корхонанинг website-ига кириб, товар ва хизматларнинг истеъмол хусусиятларини ўргана бошлайдилар;

- айирбошлиш (Convert) – ушбу босқич истеъмолчи товар ва хизматларни сотиб олиш бўйича қарорни қабул қилиб, уни ҳарид қилиш учун буюртма беришини англаатади;

- жалб қилиш (Engage) – ушбу босқичда истемолчи корхона томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни истеъмол қилгандан сўнг ўзи қутган нафлийка эришса, корхонанинг содик мижозига айланиши, унинг ижтимоий тармоқлардаги каналларига аъзо бўлиши ва муентазам кузатиб боришини англаатади.



1-расм. Корхона бошқарувида бренд ривожлантиришга қаратилган “PESO” маркетинг дастури таркибий компонентлари¹²

Тараққий этган мамлакатларда корхона бошқарувида брендни ривожлантиришга қаратилган маркетинг дастурларини амалга оширишда Дж. Дитрих томонидан ишлаб чиқилган “PESO (Paid, Earned, Shared, Owned)” моделига асосиланилади (1-расмга қаранг). Ушбу модел асосан корхона бошқарувида реклама фаолиятини асосида корхона брендини тарғиб қилишга қаратилган маркетинг дастури бўлиб, таркибий компонентлари қуидаги тартибда изоҳланади:

- тўлов (Paid) – бунда корхона томонидан реклама воситаларини тегишли тўловлар асосида турли реклама баннерлари, мониторлари, интернет сайtlар, турли газета ва журналларга пуллик мақолалар жойлаштиришни назарда тутади;

- қайд этиш (Earned) – бунда корхона reklamasи бир марта эълон қилинган реклама канали орқали қайта эълон қилиниши назарда тутилади. Яъни, турли ОАВ орқали такрор ва такрор корхона томонидан ишлаб чиқарилган reklamанинг ҳеч қандай ўзгаришсиз такрорланишини англаатади.

- баҳам кўриш (Shared) – корхона томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг турли ижтимоий тармоқлар орқали жойлаштирилган reklamalарга тармоқ фойдаланувчилари томонидан қолдирилган изоҳлар янги мижозларни жалб қилиш имкониятини беради. Кўпчилик товар ва хизматлар тўғрисида ижобий фикрни қолдириши у ҳақда эндиғина ҳабардор бўлган истеъмолчиларнинг товар ва хизматларни сотиб олишга бўлган қизиқишини уйғотади;

¹² Маркетинговые и PR-модели: RACE, 4Р и 4С, PESO, лестница Ханта, RFM, AIDA, SOSTAC, hadi-цикли. [Электронный ресурс]. URL: <https://roistat.com/rublog/marketingovie-modeli/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

- эгалик қилиш (Owned) – корхонага тегишли бўлган реклама каналлари, жумладан, корхона расмий сайти, ижтимоий тармоқлардаги аккаунtlари, электрон почта ҳабарномалари, корпоратив блоглар, бренд томонидан бошқариладиган шу каби бошқа платформаларда жойлаштирилган рекламаларни англатади. Бунда корхона товар ва хизматларни реклама қилиш усулини мустақил танлаш имкониятига эга бўлади. Яъни, мақола, расм, видео-ролик, инфографика, овозли әшиттириш каби шаклларда корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларни ўз реклама линиялари орқали узатиши назарда тутилади.

Корхона бошқарувида бренд-маркетингни амалга оширишнинг “PESO” усулини амалга ошириш қуйидаги босқичларда бўлиши талаб этилади:¹³

- биринчи босқичда корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг истеъмолчилари ҳисобланган бозор сегментини аниқлаш асосида уларни ёши, жинси, қизиқишлари бўйича гурухлашни амалга оширилади;

- иккинчи босқич амалга оширилган гурухлаш асосида истеъмолчиларнинг гурух хусусиятларига мос бўлган реклама усуллари танланилади ва реклама тайёрланади;

- учинчи босқичда эса танланган реклама линиялари орқали корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматлар рекламаси тарқатила бошланади.

Хуноса

Таҳлилларга кўра, тарақкий этган мамлакатлар миллий иқтисодиёти тармоқларида хўжалик фаолияти юритувчи корхоналар бошқарувида маркетинг дастури истеъмолчиларга йўналтирилганлиги билан характерланади. Шу билан биргаликда, бошқарув жараёнида маркетинг дастурларини амалга оширишнинг илк босқичи бозорни тадқиқ қилиш асосида тўғри сегментни танлашга устуворлик қаратилади. Бозорни сегментлаш нафақат товар ва хизматлар ишлаб чиқариш, балки бренд-маркетингини юритиш асосида реклама дастурлари самарадорлигини оширишга хизмат кўрсатади. Жумладан, корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг нархларини истеъмолчилар даромадларига мослаштириш асосида бозордаги товар айланмаси (сотув) ҳужмини оширишга эришилади.

Корхона бошқарувида маркетинг дастурларидан фойдаланишнинг тарақкий этган мамлакатлари амалиётини тадқиқ этиш асосида мамлакатимиз амалиётида ижодий фойдаланиш мумкин бўлган қуйидаги жиҳатлар аниқланди:

- корхона бошқарувида нарх сиёсатини юритишида истеъмолчилар даромадларини инобатга олиш асосида аҳолини арzon ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш;

- нафақат ишлаб чиқариш балки, бренд-маркетинг фаолиятини амалга оширишда чуқур ва кенг кўламли бозор тадқиқотлари ўтказиш асосида бозорн тўғри сегментлаш ҳамда мақсадли бозор сегментини аниқлаш;

¹³ Маркетинговые и PR-модели: RACE, 4Р и 4С, PESO, лестница Ханта, RFM, AIDA, SOSTAC, hadi-цикли. [Электронный ресурс]. URL: <https://roistat.com/rublog/marketingovie-modeli/>

- корхоналарга маркетинг хизматлари қўрсатувчи компаниялар фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг ишлаб чиқариш корхоналари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш;
- корхонанинг ўз мижозлари билан ўзаро коммуникацион муносабатларини ривожлантириш асосида ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг истеъмол хусусиятларини истеъмолчилар талабига мослаштириш;
- бренд-маркетинги бўйича сифат меъёрларини ишлаб чиқиш асосида рекламалар сифатини ошириш;
- корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларни онлайн-платформалар, ижтимоий тармоқлар орқали тарқатиш;
- истеъмолчиларга маҳсулотнинг техник-технологик ва истеъмол хусусиятлари тўғрисида тўлиқ маълумотларни мунтазам етказиб бориши.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Ўзбекистон курувчиларига байрам табриги. 13.08.2023 й. <https://president.uz/uz/lists/view/6552>
2. Porter M.E. What is Strategy? // Harvard business rev. Boston. 1996. Vol. 74, № 6. P. 61-78
3. Galbreith R. Jay, Lawler, Edward E and associates. Organizing for the Future. San-Francisco, 1993, 310 p.
4. Минцберг Г. Структура в кулаке. Создание эффективной организации. / Пер. с англ. под ред. Ю.Н. Каптуревского. – СПБ.: Питер, 2004. – 512 с.
5. Гайдленко Т.А. Маркетинговое управление. Учебник. – М.: Эксмо, 2008. – с. 50-54
6. Котлер Ф., Келлер К.Л. Маркетинг. Менеджмент. 14-е издание. – СПБ.: 2015. – 147 с.
7. Тонкости европейского маркетинга: как продвигать продукт за рубежом. [Электронный ресурс]. URL: <https://rb.ru/opinion/chto-predstavlyayet-iz-sebya-evropejskij-marketing/>
8. Маркетинговые и PR-модели: RACE, 4 Р и 4 С, PESO, лестница Ханта, RFM, AIDA, SOSTAC, hadi-цикли. [Электронный ресурс]. URL: <https://roistat.com/rublog/marketingovie-modeli/>

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

